


I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 22410,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 107,1 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2018 йил январь-июнь ойларидаги нархларга нисбатан 125,3 % ташкил қилди.

2019 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ нинг аҳоли жон бошига 7707,1 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 105,7 %га ўсди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

2019 йил январь-июнь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,3 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши - 23,0 %), саноат - 110,1 % (48,8 %), қурилиш - 133,3 % (4,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 103,4 % (6,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 104,3 % (12,6 %) ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	<i>млрд.сўм</i>		<i>Физик ҳажм индекси %да</i>
	<i>2018 й. январь-июнь</i>	<i>2019 й. январь-июнь</i>	
ЯҲМ-жами	16707,0	22410,7	107,1
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	15662,0	20723,0	106,9
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4232,6	4775,7	101,3
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	7439,1	10935,3	111,7
саноат	6919,6	10112,1	110,1
қурилиш	519,5	823,2	133,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1128,4	1333,1	103,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	951,2	1075,8	104,0
бошқа хизмат тармоқлари	1910,7	2603,1	104,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	1045,0	1687,7	109,5

Январь-июнь ойларида ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби

2018 йил



2019 йил




Юқорида келтирилган диаграммада қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМ таркибидаги улуши 2018 йилдаги 27,0 % дан 2019 йилда 23,0 % га камайганлигини кўриш мумкин. саноат улуши 44,2% дан 48,8%га ва қурилиш улуши 3,3 % дан 4,0 % га ошди, хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши эса 25,5 % дан 24,2 % га камайди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 51,3 % и кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2018 йил январь-июнь ойларида 55,1 % ни ташкил қилган.

2019 йил январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 24,2 % ни (2018 йил январь-июнда 25,5 %) ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯХМ таркибидаги улуши 6,4 % ни (2018 йил январь-июнь - 7,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 5,2 %ни (6,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 12,6 %ни (12,2 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)




ЯХМ ўсиш суръатига хизматлар соҳасининг таъсири 1,0 ф.п. ташкил этди. Ушбу соҳада қўшилган қийматнинг 4,0 % га ўсиши кузатилди. Шундан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 4,0 % га ва бошқа хизматлар 4,3 % га ўсди.

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 33,3 % га ўсди. ЯХМнинг мутлоқ ўсиши қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 1,1 ф.п. даражасида баҳоланди.

2019 йилнинг январь-июнь якунларига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1,3 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯХМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,4 ф.п. ни ташкил этди.

2019 йил январь-июнь ойларида ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



2019 йил январь-июнь ойларида ЯХМ дефлятори индекси 2018 йил январь-июнь ойларидаги нархларга нисбатан 125,3 фоизни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари маҳсулотга соф солиқларда – 147,5 % ва саноат тармоғида - 132,8 % қайд этилди.

Вилоятнинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда - 118,8 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 111,4 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 114,2 %, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада - 108,7 % ва бошқа хизматларда – 130,6 % қайд этилди.

2019 йил январь-июнь ойларида
ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси

